ШАХС ДИНИЙ ЙЎНАЛГАНЛИГИ ВА ҚАДРИЯТЛАР МОСЛИГИ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ОМИЛИ СИФАТИДА

РЕЛИГИОЗНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ ЛИЧНОСТИ И СОВМЕСТИМОСТЬ ЦЕННОСТЕЙ КАК ФАКТОР ПРОЧНОСТИ СЕМЬИ

RELIGIOUS ORIENTATION OF THE PERSON AND COMPATIBILITY OF VALUES AS A FACTOR OF STRENGTH OF THE FAMILY

Mushtariy ISAYEVA
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Teacher of the Department of Psychology of Religion and Pedagogy
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.
isayeva.mushtariy@mail.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2022/2/9

Аннотация: *Оилаларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий хавфсизлигини, унинг равнақи, тараққиётини белгиловчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Оиланинг ижтимоий маскан сифатида фарзанд камолотида тутган ўрни, унинг ўз қобилияти ва иқтидорини намоён этишига таъсири масалалари ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бу мавзу инсоният тарихида яшаган кўплаб алломаларнинг эътиборидаги муҳим муаммолардан саналади. Оилавий муҳит жамият учун соғлом фикрдаги авлодни тарбиялашнинг асосий бўғини ҳисобланса, ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатларда диний эътиқодни тарбиялаш асосий воситадир.*

Мақолада оила мустаҳкамлигига таъсир этувчи диний ва психологик омиллар илмий-назарий ва эмпирик жиҳатдан ўрганилди: оила мустаҳкамлигига диний омилларнинг таъсири; эр-хотин қадриятларининг мослиги оилавий муносабатлар мустаҳкамлигини белгиловчи фактор эканлиги; эр-хотиларнинг никоҳдан қониқиш даражаси билан шахснинг диний йўналганлиги ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ижтимоий-психологик методикалар ёрдамида очиб берилган. Тадқиқот объекти сифатида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 50 нафар оила қамраб олинган.

Тадқиқотда эр-хотин қадриятлари ва уларнинг ўзаро мослиги масаласига алоҳида тўхталиб, Н.В.Волкованинг "Оиладаги ролли кутилмалар ва интилишлар" сўровномаси ўтказилди ва маълум бир қадриятлар устунлиги, ўзаро боғлиқлик ва аҳамияти нисбатан паст бўлганлиги аниқланган.

Дин инсониятни яхшиликка ундаши, оилавий муносабатларни ҳам тартибга солиш хусусиятига эгалигидан келиб чиқиб, диний билимларга эга бўлиш инсонлар ҳаётида оилавий келишмовчиликлар келиб чиқишини қанчалик камайтириш мумкинлигини хулоса қилиш мумкин. Бунда нафақат билимга эга бўлиш, балки шахс диний йўналганлигининг ҳам аҳамияти каттадир. Мазкур фаразни эмпирик жиҳатдан исботлаш учун психологлар Г.Олпорт ва Д.Росс томонидан ишлаб чиқилган шахсда диний ориентациянинг қайси типи – ташқи ёки ички ориентация устунлигини аниқлашга хизмат қилувчи "Диний ориентация шкаласи" методикаси, шунингдек, оилавий ҳаётдан, яъни никоҳдан қониқиш даражасини аниқлаш учун В.В. Столин, Т.Л. Романова, Г.П. Бутенколар томонидан ишлаб чиқилган "Никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлаш" методикаларидан фойдаланилган. Шахснинг диний йўналганлиги ва никоҳдан қониқиш даражаси кўрсаткичлари ўртасида ўрта ва юқори даражада боғланишга эга бўлган корреляцион алоқалар кузатилган. Тадқиқот давомида олинган натижалар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *шахс, шахс қадриятлари, оила, оилавий муносабатлар, оила мустаҳкамлиги, никоҳ, диний эътиқод, шахс диний йўналганлиги.*

Аннотация. *Крепость семьи является решающим фактором, определяющим экономическую, социальную, политическую, национальную безопасность общества, его развитие и прогресс. Роль семьи как социального пространства в развитии ребенка, ее влияние на проявление его способностей и талантов всегда была актуальна. Эта тема является одним из важнейших вопросов, находящихся в центре внимания многих ученых в истории человечества. В то время как семейная среда является ключевым звеном в обществе для воспитания здравомыслящего поколения, воспитание религиозных убеждений в отношениях между родителем и ребенком является ключевым инструментом.*

В статье с научно-теоретической и эмпирической точки зрения рассматриваются религиозно-психологические факторы, влияющие на крепость семьи. Надо отметить, что совместимость ценностей пары является фактором, определяющим крепость семейных отношений. С помощью социально-психологических методик было выявлено наличие связи между уровнем удовлетворенности браком супругов и религиозной направленностью человека. Исследование охватило 50 семей, проживающих в Ташкенте.

Исследование сосредоточилось на проблеме ценностей супругов и их совместимости. На основе критериев Н. В. Волковой был проведен социальный опрос

на тему «Ролевые ожидания и притязания в семье» и было установлено, что преобладание, взаимозависимость и значимость тех или иных ценностей относительно невысоки.

Учитывая, что религия побуждает человечество к добру, а также регулирует семейные отношения, можно сделать вывод, что приобретение религиозных знаний может уменьшить возникновение семейных конфликтов в жизни людей.

Для подтверждения этой гипотезы эмпирическим путем были использован метод «Шкала религиозной ориентации», разработанный психологами Г.Олпорт и Д.Росс для определения типа религиозной направленности человека – внешней или внутренней направленности, а также методика «Определение удовлетворенности браком», разработанная В.В.Столином, Т.Л.Романовой и Г.П.Бутенко. Наблюдалась корреляция между средним и высоким уровнем удовлетворенности браком. По результатам, полученным в ходе исследования, были разработаны практические рекомендации.

Ключевые слова: *личность, личностные ценности, семья, семейные отношения, стабильность семьи, брак, религиозные убеждения, религиозная направленность личности.*

Abstract. *The strength of families is a decisive factor in determining the economic, social, political, and national security of society, its development, and progress. The role of the family in child development, and the family's impact on the improvement of their abilities and talents have always been relevant. This topic is one of the most crucial issues in the attention of many scholars in the history of humans. While the family environment is an essential link in society for the upbringing of a sane generation, the education of religious beliefs in the relationship between parent and child is a crucial tool.*

The article examines the religious and psychological factors influencing family strength from a scientific-theoretical and empirical point of view.

It should be noted that the compatibility of a couple's values is a factor that determines the strength of family relationships. The study covered 50 families living in Tashkent. With the help of socio-psychological methods, the presence of a relationship between the level of satisfaction with the marriage of spouses and the religious orientation of a person was revealed.

The study focuses on the couple's values and their compatibility. According to N.V. Volkova's survey (Role expectations and aspirations in the family), the predominance, interdependence, and importance of some values of the couple were relatively low.

Religion encourages humanity to do good and regulates family relations. The acquisition of religious knowledge can reduce the occurrence of family conflicts in people's lives. To confirm this hypothesis empirically, the "Scale of Religious Orientation" method, developed by psychologists G. Allport and D. Ross, was used to determine the type of a person's religious orientation - external or internal orientation, as well as the "Determining Marriage Satisfaction" method developed by V.V. Stolin, T.L. Romanova, and G.P. Butenko. There was a correlation between average and high levels of marital satisfaction. The article develops practical recommendations based on the results obtained during the study.

Keywords: *personality, personality values, family, family relationships, family stability, marriage, religious beliefs, religious orientation of the individual.*

КИРИШ

Азалдан жамият ва турли диний таълимотларда оила му¬қаддас саналиб, оилавий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки, оила энг мўътабар маскан бўлиб, авлодлар ворислигини сақлайдиган, миллий қадриятларни авлоддан-авлодга етказадиган, ёш авлодни жамиятимиз ҳамда Ватанимизнинг муносиб фуқароси этиб тарбиялайдиган, унинг келажакда баркамол шахс сифатида шаклланишига пойдевор бўладиган ижтимоий институтдир. Ҳар қандай жамият тараққиётида оилаларнинг, оилалар мустаҳкамлигининг ўрни беқиёсдир.

Ҳозирда жамиятимиз учун, инсоният тараққиёти учун, мустақиллигимиз истиқболлари учун жиддий хавф туғдираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, ички ва ташқи омилларнинг таҳдиди ортиб бораётган айни вақтда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ва бу масалани тўғри ҳал этилишининг асосий йўли бўлмиш ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи ҳеч кечиктириб бўлмайдиган, сусткашликка йўл қўйиб бўлмайдиган, ўта жиддий ёндашишларни талаб этувчи давлат, ҳукумат миқёсидаги долзарб масаладир. Бунинг муваффақиятли амалга ошишига жамиятнинг ҳар бир фуқароси бирдек масъулдир. Бу масала ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган, ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайдиган ўта нозик, ниҳоятда жиддий масаладир. Чунки инсоният ва жамият тараққиёти шу масала бугун қандай ҳал килинишига боғлиқдир.

Рус социолог олими А.Антоновнинг таъкидлашича, оила ижтимоий-психологик яхлитлик сифатида шахсга шундай норматив ва ахборот таъсирларини кўрсатадики, оқибатда бола энг аввало, жамиятдаги қонуний нормалар, хулқ андозаларини эгаллайди (Антонов А., 2005) Оила

қанчалик иноқ, уюшган ва мустаҳкам бўлса, унинг норматив таъсири ҳам шунчалик ижобий самарали бўлади. Бундай оилада ўзининг қадриятларидан ташқари, жамиятнинг қадриятлари, қонун-қоидалар ва нормалар ҳурмат қилинади, бола бошидан жамиятда яшашга ўргатилган бўлади. Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан виждонан бажарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади. Бундай фарзандга турли бидъатлар, бемаза чақириқлар, даъватлар таъсир этмайди, мустақил фикрли, пок виждонли инсон бўлиб етишади. Чунки оила бу кичик жамият, оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам мустаҳкам бўлишини ўзбек халқи жуда яхши билади, шунинг учун никоҳ муқаддас ришта сифатида эъзозланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, оилавий муносабатларнинг мустаҳкамлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳозирги давр учун энг муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Бунда оила мустаҳкамлигига ижтимоий-психологик ва диний омиллар таъсирини ўрганиш тадқиқот ишининг долзарблигини кўрсатади.

МЕТОДЛАР

Тадқиқотимизда қуйидаги методлардан фойдаланилди: “Никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлаш” сўровномаси (В.В. Столин, Т.Л. Романова, Г.П. Бутенко); “Оиладаги ролли кутилмалар ва интилишлар” методикаси (А.Н.Волкова); “Диний ориентация шкаласи” методикаси (Г.Олпорт ва Д.Росс); маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистика методларидан: корреляцион таҳлил.

ТАҲЛИЛ

Ҳар бир даврда оила ва унинг мустаҳкамлиги масаласи ўз аҳамиятини йўқотмаган, албатта. Чунки оила жамиятнинг асосий бўғини экан, унинг соғлом ва мустаҳкам бўлиши жамият барқарорлигида муҳим ўрин тутади. Ҳар бир жамиятдаги оила бузилиши ва шунга ўхшаш муаммоларнинг келиб чиқиши бир неча омилларга боғлиқ бўлади. Эр-хотин ўртасидаги муносабат қанчалик барқарор бўлса, оила ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Эр-хотин муносабатлари шаклланишининг энг нозик ва ҳал қилувчи шакли бу – ёш оилаларда эр-хотин муносабатларининг ўзига хос ҳудудий, этник, жинсий, ёш ва индивидуал психологик хусусиятлари ҳисобланади. У ёки бу ёш оилага хос эр-хотин муносабатлари бошқа бир эр-хотинга мос келмаслиги мумкин. Чунки ёш оилани юзага келтирган эр-хотинлар турли хил шахслараро муносабатлар тизими, турлича таомилга эга оилаларда тарбияланган.

Оила мустаҳкамлигига салбий таъсир этувчи муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало, мазкур омилларни аниқлаш, таҳлил этиш ва уларни бартараф қилиш чоралари ишлаб чиқилади. Шу тарзда аста-секин бош муаммонинг ҳам ечими топилади. Бунда, албатта, мазкур жамият аъзоларининг шарт-шароитлари ва хусусиятлари, турмуш тарзи ва бошқаларнинг таъсири бўлади. Шундай омиллардан яна бири шахснинг қадриятлари ҳисобланади. Зеро, шахс қадриятларининг бир-бирига мос келиши ўзаро тушуниш ва тушунилиш, ҳурмат каби туйғуларнинг пайдо бўлишига замин яратади.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятларга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳаларидаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият деб баҳолаш ноўриндир. Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Миллий маданият ва қадриятларнинг тикланиши, жамиятимиз тараққиёти ва инсон шахсининг, маданий, маънавий, ахлоқий ривожланиши, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбиялаш, вояга етказишда кенг истиқлол йўлини очиб беради.

Маълумки, муқаддас динимиз исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган "Қуръони карим оятлари ва ҳадисларда ҳам оилавий турмуш, эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаръий қонунлар

ёритилган. Қуръони карим оятларида оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало, оиланинг барча молиявий ва маънавий тарафларига жавобгар, уни четдан бўладиган хар қандай хуружлардан ҳимоя қиладиган шахсдир. Мана шуларнинг эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, оила рўзғор тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар мавжудлиги сабабли у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, эрнинг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садокатли бўлган аёлдир. Қуръони каримдан эр-хотин ёхуд оилавий муносабатларга хос ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Модомики, дин бизни яхшиликка ундар экан, оилавий муносабатларимизни ҳам тартибга солар экан, у ҳолда диний билимларга эга бўлиш билан инсонлар ҳаётида оилавий келишмовчиликлар келиб чиқишини қанчалик камайтириш мумкин. Бунда нафақат билимга эга бўлиш, балки шахс диний йўналганлигининг ҳам аҳамияти каттадир. Машҳур психологлар Г.Олпорт ва Д.Росслар томонидан ишлаб чиқилган “Диний ориентация шкаласи” методикаси орқали биз мазкур масалани ўрганишга ҳаракат қилдик. Мазкур сўровнома шахсда диний ориентациянинг қайси типи – ташқи ёки ички ориентация устунлигини аниқлашга хизмат қилади. Сўровнома 20 ҳукмдан иборат бўлиб, бундан 9 ҳукм ички ориентация субшкаласини [I], 11 ҳукм ташқи ориентация субшкаласини [E] ташкил этади. Ҳар бир ҳукмга нисбатан муносабат билдириш учун 4 хил жавоб вариантидан фойдаланиш мумкин. Сўровномада одамлар орасида диний ва ижтимоий масалалар юзасидан учраб турадиган айрим фикр-мулоҳазалар келтирилади.

Г.Олпортнинг шахс диний ориентацияси типологияси энг машҳур типологиялардан бири эканлигини эътироф этмай бўлмайди. Унинг фикрича, диний ҳиссиёт ва диний ориентация инсонларда турлича бўлади: баъзиларда юзаки бўлса, баъзиларда жуда чуқур аҳамиятга эгадир. Г.Олпорт бу борада шундай дейди: “Ишончим комилки, инсоннинг психик саломатлигида ташқи эмас, балки ички диний йўналганлик муҳим рол ўйнайди. Агарда диний ориентация чуқур интериоризациялашган бўлса, шахс психикаси соғлом, атрофдагилар билан муносабатларида эса хотиржамлик ҳукм суради. Бу менинг фаразимдир” .

Албатта, Г.Олпортнинг сўзларида шахс ички диний йўналганлиги оила мустаҳкамлигини бевосита белгилаб бериши айтилмаган, аммо шахснинг мазкур характеристикаси орасида боғлиқлик йўқ дея олмаймиз. Шу сабабдан ҳам илмий тадқиқотимизда шахснинг диний ориентациясини ўрганишга қарор қилдик.

НАТИЖА

Биз тадқиқотимизда оила мустаҳкамлиги масаласани ўрганишга ҳаракат қилдик. Бунда эр-хотин қадриятлари ва уларнинг ўзаро мослиги масаласига алоҳида тўхталдик. Мазкур масалани ўрганиш учун 50 нафар оилада Н.В.Волкованинг “Оиладаги ролли кутилмалар ва интилишлар” сўровномасини ўтказиб, қуйидаги натижаларга эга бўлдик.

Эр-хотинлар қадриятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш учун корреляцион муносабатлар таҳлил этилди.

Эр-хотинларнинг оилавий қадриятлари ўртасидаги корреляцион муносабатлар ўрганилганда, жинсий муносабат билан ташқи жозибадорлик ўртасида юқори даражадаги алоқа (0,68**) мавжудлиги аниқланди.

Мазкур корреляцион муносабатлар ичида эътибор қаратишимиз керак бўлган бирлик эр-хотиннинг шахс сифатида мослиги бўлиб, унинг кўрсаткичлари деярли барча қолган қадриятлар билан боғланишларга эга эканлиги, яъни эмоционал-психотерапевтик функция (0,63**), ижтимоий фаоллик (0,61**) ҳамда маиший-хўжалик (0,51**) ўртасида юқори кўрсаткичли боғлиқлик, ота-она тарбиячилик функцияси (0,45*), ташқи жозибадорлик (0,41*) ва жинсий муносабат (0,35*) ўртасида ўрта кўрсаткичли боғлиқлик қайд этилди.

1-жадвал


Эр-хотинларнинг оилавий қадриятлари ўртасидаги корреляцион муносабатлар

	Жинсий муносабат	*Эр-хотиннинг шахс сифатида мослиги*	*Маиший-хўжалик юритиш*	*Ота-она тарбиячилик функцияси*	*Ижтимоий фаоллик*	*Эмоционал-психотерапевтик функция*	*Ташқи жозибадорлик*
Жинсий муносабат	1						
Эр-хотиннинг шахс сифатида мослиги	0,35*	1					
Маиший-хўжалик юритиш	0,10	0,51**					
Ота-она тарбиячилик функцияси	0,12	0,45*	0,15	1			
Ижтимоий фаоллик	0,21	0,61**	-0,35	0,28			
Эмоционал-психотерапевтик функция	0,46*	0,63**	-0,16	0,32*	0,31	1	
Ташқи жозибадорлик	0,68**	0,41*	-0,40	0,20	0,23	0,25	

Изоҳ: * p≤ 0,05, ** p≤ 0,01.

Г.Олпорт ва Д.Росслар томонидан ишлаб чиқилган “Диний ориентация шкаласи” методикасидан олинган натижаларни қуйидаги диаграммаларда ифодалашга ҳаракат қилдик.

Г.Олпорт ва Д.Росслар томонидан ишлаб чиқилган “Диний ориентация шкаласи” методикасини ўтказиш орқали олинган натижаларга кўра, умумий респондентларимизнинг 65%и ички йўналганлик, 35%и эса ташқи йўналганлик шкаласига мансуб экан.



1-расм. “Диний ориентация шкаласи” методикаси натижалари


Буларни гендер фарқларига кўра солиштирганимизда қуйидаги натижалар қайд этилди.



2-расм. “Диний ориентация шкаласи” методикаси натижаларининг гендер тафовутлари

Методика натижалари гендер фарқлар бўйича солиштирилганда, ички йўналганлик шкаласига 70% аёллар ва 60% эркаклар мансублиги, ташқи йўналганлик шкаласига эса 30% аёллар ва 40% эркаклар кириши аниқланди. Бу орқали эркакларга нисбатан аёлларда диндан қўллаб-қувватлаш ва таскин қидиришга мойиллик кўпроқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Респондентларимизда оилавий ҳаётидан, яъни никоҳидан қониқиш даражасини аниқлаш учун В.В. Столин, Т.Л. Романова, Г.П. Бутенколар томонидан ишлаб чиқилган “Никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлаш” методикаси ўтказдик ва қуйидаги натижаларга эга бўлдик. Унга кўра, эркак респондентларнинг 25%и юқори, 35%и ўрта ва 40%и қуйи даражани, аёлларда эса 45%и юқори, 50%и ўрта ва 5%и қуйи даражани қайд этишган. (3-расм)



3-расм. “Никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлаш” методикаси натижалари

Тадқиқотимизда ўтказилган Г.Олпорт ва Д.Росснинг “Диний ориентация шкаласи” методикаси ва В.В. Столин, Т.Л. Романова, Г.П. Бутенконинг “Никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлаш” методикасидан олинган натижалар ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини аниқлаш учун корреляцион муносабатларни таҳлил қилдик ва қуйидаги натижаларга эга бўлдик.

2-жадвал

Шахснинг диний йўналганлиги ва никоҳдан қониқиш даражаси ўртасидаги корреляцион муносабати

	Ташқи йўналганлик	*Ички йўналганлик*	*Никоҳдан қониққанлик даражаси (юқори)*	*Никоҳдан қониққанлик даражаси (ўрта)*	*Никоҳдан қониққанлик даражаси (қуйи)*
Ташқи йўналганлик	1				
Ички йўналганлик	0,10	1			
Никоҳдан қониққанлик даражаси (юқори)	0,12	0,56**	1		
Никоҳдан қониққанлик даражаси (ўрта)	0,23	0,34*	0,28	1	
Никоҳдан қониққанлик даражаси (қуйи)	0,44*	0,10	0,12	0,26	1

Изоҳ: * p≤ 0,05, ** p≤ 0,01.

Шахснинг диний йўналганлиги ва никоҳдан қониқиш даражаси кўрсаткичлари ўртасида ўрта ва юқори даражада боғланишга эга бўлган корреляцион алоқалар кузатилди. Бу корреляцион муносабатлар қуйидаги бирликлар ўртасида боғланди. Шахснинг

ташқи диний йўналганлиги ва никоҳдан қуйи даражада қониқиш даражаси ўртасида (0,44*) ўрта даражадаги боғланиш мавжуд. Шахснинг ички диний йўналганлиги билан никоҳдан ўрта даражадаги қониқиш (0,34*) ўртасида ўртача, никоҳдан юқори даражадаги қониқиш (0,56**) ўртасида эса юқори даражадаги корреляцион муносабатлар қайд этилди.

МУҲОКАМА

Эр-хотинларнинг оилавий қадриятлари ўртасидаги корреляцион муносабатлар натижалардан хулоса қилиш мумкин-ки, эр-хотин шахс сифатида мослиги, яъни қизиқишлар, эҳтиёжлар, қадриятлар ориентацияси, вақт ўтказиш усулларида умумийлик бўлиши уларнинг қолган қадриятларида ҳам боғланишларга олиб келиши мумкин. Демак, агар турмуш ўртоқларнинг шахсий сифатлари бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлса, улар ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам осонлик билан тил топишишлари ёки бир-бирига нисбатан юқори толерантликни намоён этишлари эҳтимоли юқори бўлади.

Г.Олпорт ва Д.Росснинг “Диний ориентация шкаласи” методикаси ва В.В. Столин, Т.Л. Романова, Г.П. Бутенконинг “Никоҳдан қониққанлик даражасини аниқлаш” методикасидан олинган корреляцион муносабатлар натижалари юқорида қайд этиб ўтган фикрларимизни тасдиқлади. Ташқи диний йўналган шахсларнинг аксарияти ўз никоҳларидан етарлича қониқмаётганликларини намоён этишган бўлса, ички диний йўналган респондентларимизнинг кўпи никоҳларидан юқори ва ўрта даражадаги қониқишга эга эканликлари маълум бўлган.

Демак, оила мустаҳкамлигини таъминлашда, баркамол инсонларни вояга етказишда, аввало, шахснинг диний йўналганлигининг аҳамияти катта. Зеро, шахснинг диний йўналганлиги фарзандларнинг қандай диний билим олишига, диний қадриятларнинг оилада қандай ўрин тутиши ва бажарилишига бевосита таъсир кўрсатади. Ислом дини ўзбек халқида одат шариат қонунлари билан бир қаторда жамоа ҳаётини тартибга солишида муҳим роль ўйнашини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур омил катта аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Тадқиқотимизда оилавий муносабатлар мустаҳкамлигига ижтимоий-психологик ва диний омиллар таъсирини ўрганишга ҳаракат қилдик. Мазкур иш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида

қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Эр-хотинлар кутилмалари асосан иккита соҳада, яъни эмоционал-психотерапевтик ва маиший-хўжалик юритишда бир-бирига ўхшаш, яъни улар оиланинг психологик муҳити барқарорлигини таъминлашни ҳамда кундалик турмуш юмушларини бажаришни турмуш ўртоғидан бир хил даражада кутиши намоён бўлди.

2. Эр-хотинлар интилишлари ўртасидаги кўрсаткичлар таққосланганда, улар ўртасида деярли ўхшаш кўрсаткич аниқланмади. Фақат энг яқин кўрсаткич ижтимоий фаолликда қайд этилди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкин-ки, эр-хотинлар оилавий ҳаёт фаолиятларида турлича хатти-ҳаракат қилишади ва бу ҳолат ўртада келишмовчилик келиб чиқиши учун асос бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

3. Ўтказилган методика натижалари орқали ҳозирги пайтда эрлар кутилмаси ва хотинлар интилиши қуйидаги фаолиятларда ўзаро мувофиқ келганлиги аниқланди: ота-она тарбиячилик функцияси ва маиший-хўжалик юритишда. Аммо эмоционал-психотерапевтик функцияда натижа қониқарли бўлмади. Бу ҳолат аёллар эрлари кутганидек она ролини ва турмуш хўжалик юмушларини бажаришга интилишини кўрсатган бўлса, эмоционал-психотерапевтик функцияда эса етарли даражада оиланинг психологик муҳитини бошқаришга ҳаракат қилмаётганликлари, эрининг кайфиятини кўтариш ва шунга яраша муомала-муносабат қилишда балки билимсизлик қилаётганликларини англатади.

4. Оилавий қадриятлар бўйича аёлнинг кутилмаси ва унга нисбатан эрнинг интилиши ўзаро солиштирилганда, фақат иккита соҳада, яъни ижтимоий-фаолллик ва ота-она тарбиячилик функциясида яқинлик кузатилди. Қолган вазиятларда эрнинг интилиши хотиннинг кутилмасига мос эмаслиги қайд этилди. Кундалик юмушларда, оиланинг “психотерапевтик” вазифасини бажаришда ҳамда ташқи кўринишга эътибор беришда эркаклар аёллари кутганчалик ҳаракат қилмаётганликлари маълум бўлди.

5. Ўтказилган методика натижалари орқали эр-хотин қадриятлари ўрганилиб, қайси қадриятлар улар учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Бунга кўра, эмоционал-психотерапевтик функция, ташқи жозибадорлик ҳамда ота-она тарбиячилик функциялари эр-хотинлар учун муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

6. Эр-хотинларнинг оилавий қадриятлари ўртасидаги корреляцион муносабатлар ўрганилганда, жинсий муносабат билан ташқи жозибадорлик ўртасида юқори даражадаги алоқа мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, мазкур корреляцион муносабатлар ичида эътибор қаратилиши керак бўлган бирлик эр-хотиннинг шахс сифатида мослиги бўлиб, унинг кўрсаткичлари деярли барча қолган қадриятлар билан боғланишларга эга эканлиги, яъни эмоционал-психотерапевтик функция, ижтимоий фаоллик ҳамда маиший-хўжалик ўртасида юқори кўрсаткичли боғлиқлик, ота-она тарбиячилик функцияси, ташқи жозибадорлик ва жинсий муносабат ўртасида ўрта кўрсаткичли боғлиқлик қайд этилди. Бу шундан далолат берадики, эр-хотин шахс сифатида мослиги, яъни қизиқишлар, эҳтиёжлар, қадриятлар ориентацияси, вақт ўтказиш усулларида умумийлик бўлиши нафақат эр-хотиннинг ўхшаш бўлишига, балки уларнинг бошқа қадриятларида ҳам боғланишларга ва мукаммалликка олиб келиши мумкин. Демак, агар турмуш ўртоқларнинг шахсий сифатлари бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлса, улар ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам осонлик билан тил топишишлари ёки бир-бирига нисбатан юқори толерантликни намоён этишлари эҳтимоли юқори бўлади.

7. Шахснинг диний йўналганлиги ва никоҳдан қониқиш даражаси кўрсаткичлари ўртасида ўрта ва юқори даражада боғланишга эга бўлган корреляцион алоқалар кузатилди. Бу корреляцион муносабатлар қуйидаги бирликлар ўртасида боғланди: шахснинг ташқи диний йўналганлиги ва никоҳдан қуйи даражада қониқиш даражаси ўртасида ўрта даражадаги боғланиш мавжуд. Шахснинг ички диний йўналганлиги билан никоҳдан ўрта даражадаги қониқиш ўртасида ўртача, никоҳдан юқори даражадаги қониқиш ўртасида эса юқори даражадаги корреляцион муносабатлар қайд этилди. Олинган корреляцион муносабатлар натижалари юқорида қайд этиб ўтканимиздек, ички диний йўналган шахс бошқа инсонлар билан муносабатлари ҳам кўнгилдагидек бўлади. Методикамиз натижаларига кўра ҳам ташқи диний йўналган шахсларнинг аксарияти ўз никоҳларидан етарлича қониқмаётганликларини намоён этишган бўлса, ички диний йўналган респондентларимизнинг кўпи никоҳларидан юқори ва ўрта даражадаги қониқишга эга эканликларини маълум қилишган.

Тадқиқот натижалари ва улар асосида шакллантирилган умумий хулосалар қуйидаги амалий тавсияларни таклиф этиш имконини бермоқда:

1. Ҳар бир инсон турмуш қурар экан, оила тизимига оилавий муносабатларни қандай қуриш ҳақидаги ўз тасаввурлари ва кутилмаларига эга бўлган ҳолда кириб келади. Никоҳ инсон ҳаётидаги туб бурилиш воқелиги сифатида шахс ривожланиш вазиятини ўзгартириб юборади ва роллар алмашинуви, ўзаро таъсирга киришувчи атрофдаги одамлар доирасининг ва умуман инсондаги «Мен» образининг ўзгариши билан характерланади. Мазкур вазият ҳар қандай инсондан янги тизим нормалари ва қадриятларига мослашувни талаб этади. Шу сабабдан, бўлажак эр-хотинларнинг умумий қадриятларга эга бўлиши мазкур жараённинг енгил ва кам низоли бўлишига замин яратади.

2. Турмуш ўртоқ танлашда бўлажак жуфтининг шахс сифатида мослигига, яъни қизиқишлар, эҳтиёжлар, қадриятлар ориентацияси, вақт ўтказиш усулларида умумийлик бўлишига эътибор қаратиш келажакда уларнинг бошқа қадриятларида ҳам умумийлик юзага келиши учун замин яратиши мумкин.

3. Биламизки, дин бизни яхшиликка чорлайди ва инсонлар билан муносабатларда бағрикенг ва сабрли бўлишга, борига шукур қилиб, қаноатли бўлишга ундайди. Шундай экан, Қуръони карим оятлари ва ҳадисларни ўқиб-ўрганиб, диний билимларимизни кенгайтириб, қалбимизга сингдирсак, уларга амал қилсак, нафақат охиратимиз, балки ҳозирги ҳаётимизнинг ҳам фаровон ва обод бўлишига, атрофимиздагилар, айниқса, оила аъзоларимиз билан муносабатларимизнинг мустаҳкам бўлишига ҳисса қўшган бўламиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурауф Фитрат (2000) Оила. – Т.: «Маънавият», 2000. – 112 б.
2. Абдурауф Фитрат (1998) Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т.: «Маънавият», 1998. – 8 б.

3. Абдураҳмонов Ф., Абдураҳмонова З. (2011) Дин психологияси. – Тошкент: ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. - Б.36.
4. Абу Наср Фаробий (1993) Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 224 б.
5. Adams, Gary A.; King, Lynda A.; King, Daniel W. (1996) Relationships of job and family involvement, family social support, and work–family conflict with job and life satisfaction. Source: Journal of Applied Psychology 81.4 (Aug 1996) 411-420.Impact factor: 3.8.
6. Акрамова Ф.А. (2014) Оилада соғлом психологик муҳитни таркиб топтиришнинг ижтимоий-психологик асослари. - Т.: «Шамс АСА», 2014. - 185 б.
7. Акрамова Ф.А. (2014) Ёшларни оилага тайёрлашнинг асосий омиллари ва уларнинг психологик хусусиятлари // Замонавий таълим. 2015, 10. Б. 45-52.
8. Акрамова Ф.А. (2006) Оилада муомалани ташкил этиш психологияси. - Т.: «Шамс АСА», 2006. - 90 б.
9. Акрамов М.Р. (2014) Психолого-педагогические особенности экологического образования //The Way of Science. – 2014. – С. 78.
10. Akramov M.R. (2021) et al. Шахс касбий йўналганлиги ривожланишида масъулиятлиликнинг аҳамияти // Молодой ученый. – 2021. – №. 11. – С. 259-261.
11. Акрамов М.Р. (2021) Конфликт и его социально-психологические свойства //Молодой ученый. – 2021. – №. 6. – С. 293-295.
12. Акрамов М.Р. (2020) ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОЗНАНИЕ КАК ПРЕДМЕТ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ //Научная платформа: дискуссия и полемика. – 2020. – С. 30-32.
13. Arkamov M.R. (2016) THE ETHICAL AWARENESS BEHAVIOR OF STUDENTS DURING HIGHER EDUCATION (IN THE CONDITION OF UZBEKISTAN) //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2016. – Т. 4. – №. 10.
14. Акрамов М.Р. (2013) ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ ПО ВА ЯСВИНУ //SCIENCE AND WORLD. – 2013. – С. 117.
15. Allport G. (1998) The Person in psychology. Boston: Beacon, 1968, pp. 376-409. (Ruse d.: Olport Gordon V. Lichnost' v psikhologii. Moscow, "KSP+" Publ., St.Petersburg "Iuventa" Publ., 1998. 375 p.)
16. Batool S., Khalid R. (2009) Role of Emotional Intelligence in Marital Relationship. Pakistan Journal of Psychological Research, 2009, P.51.
17. Ганиева, Г. В. К. (2020). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ДИАГНОСТИКИ КОМПЕТЕНЦИИ МАГИСТРА. International scientific review, (LXXIV), 58-60.
18. Davila J. (2000) Marriage // Encyclopedia of Stress In 3 vol. / Ed. By G. Fink Vol.2. SanDiego: Acad. Press, 2000.
19. Дусмухамедова Ш.А. (1987) Психологические особенности педагогической оценки в обучении детей шестилетнего возраста: Автореф. дис.… канд. психол. наук. М., 1987. 24 с : дис. – –М.: НИИ АПН СССР, 1988.–162 с, 1987.
20. Дусмухамедова Ш., Салиева Д., Максимова Л.А. (2020) Соотношение уровня развития академической самостоятельности младших школьников с показателями учебной мотивации и стилем педагогической деятельности (на примере учащихся начальных школ Узбекистана) //Педагогическое образование в России. – 2020. – №. 2. – С. 77-83.
21. Дусмухамедова Ш.А. (2021) ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. Special Issue 2. – С. 355-361.
22. Fitness J. (2001) Emotional intelligence and intimate relationships. In J.V.Ciarrochi, J.P.Forgas & J.D.Mayer. Emotional intelligence and everyday life. NY: Psychological Press, 2001, P.106.
23. Huygen F.J., Smits A.J. (1983) Family Relations, Coping Styles, Stress, and Cardiovascular Disease Risk Factors Among Children and Their Parents. Source: Family Systems Medicine 1.1 (Spr 1983): 23-32.Impact Factor: 2.6.
24. Исаева, М. (2020). Оилавий муносабатлар психодиагностикаси. Интернаука, (23-3), 63-66.
25. Каримова В.М. (1993) Ижтимоий тасаввурларнинг шаклланишида эр-хотин ўзаро муносабатларининг роли. Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. Респ. илм. амал. анж. маъруз. кискача баёни. - Т., 1993. –Б.44-45.
26. Каримова В.М. (1994) Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши: Психол. фанл. докт. … дисс. Фарғона, 1994. -322 б.
27. Каримова В.М. (2006) Оилавий ҳаёт психологияси. Ўқув қўлланма. –Т., 2006. -142 б.
28. Каримова В.М. (2008) Оила психологияси. Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. –Т: "Fan va texnologiya", 2008. – 170 б.
29. Khamidovna, K.Z., Rustamovich, A.M., Anorbaevna, G.N., & Tulkunovna, R.N. (2021). Psychological Aspects Of The Development Of Ecological Ideas Among Students. Psychology and Education Journal, 58(2), 7812-7818.
30. Мельникова Н.А. (2008) Социальная психология: конспект лекций. – М.: 2008. – 160 с.
31. Mengboevich, U. B., & Sottarovich, N. A. (2021). SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE LEADER IN THE IMPLEMENTATION OF

MANAGEMENT DECISIONS. Science Time, (10 (94)), 31-35.
32. Муҳиддин С. (1999) Оила ва шаръий никоҳ одоблари. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1999. – 80 б.
33. Мухиддинова У., Мухиддинова Ф. (2021) Боланинг психик ривожланишида тил ўрганишнинг аҳамияти // “Бола шахсида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг психолоик-педагогик асослари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 03.04.2021. Б.467-469
34. Mukhiddinova U.A. (2021) Aspects of Psychological and Willing Training of Athletes // “SOCIOCULTURAL AND PSYCHOLOGICAL COORDINATES OF PERSONALITY FORMATION” III International Scientific and Practical Conference. Kherson State University, 2021. P.14-17.
35. Mukhiddinova U.A., Zotova E.A. (2021) Factors of decreasing the performance of the competitive activity of athletes // ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) / ISSN: 2249-7137. Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492 // DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00366.9. https://saarj.com Vol. 11, Issue 2, February 2021.
36. Mukhiddinova U.A., Zotova E.A. (2021) Relationship of functional asymmetry with individual psychological features of the personality // The Way of Science International scientific journal, № 4 (86), 2021. ISSN 2311-2158. Impact factor of the journal «The Way of Science» – 0.543 (Global Impact Factor, Australia). P.85-89
37. Мясищев В.Н. (2010) Психология отношений / В.Н. Мясищев. - М.: Институт практической психологии, 2010. - 356 с.
38. Назаров, А. С., & Митина, О. В. (2020). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРИНЯТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ. Наука и мир, (12-1), 73-75.
39. Назаров, А. С. (2020). Психологический анализ уровней принятия управленческих решений и факторов, влияющих на него. Молодой ученый, (21), 739-740.
40. Nazarov, A. S. (2021). RAHBAR FAOLIYATIDA BOSHQARUV QARORLARINI QABUL QILISH TAMOYILLARINI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSUSIYATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(Special Issue 2), 342-348.
41. Расулова З.А. (2018) Ўзбекларда оила-никоҳ анъаналарининг ижтимоий ва этник психологияси // Психол.фан.док.диссер. автореферати. – Т. 2018.
42. Расулева, Н. Т. (2018). ПСИХОЛОГИЯ ИСЛАМСКОЙ ЛИЧНОСТИ. In XLIII INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION" (pp. 123-124).
43. Rasulova, N., & Ulmasova, D. (2020). THE IMPORTANCE OF FOLLOWING THE PROFESSIONAL AND ETHICAL PRINCIPLES OF THE PSYCHOLOGIST IN THE PROVISION OF PSYCHOLOGICAL SERVICES. The Light of Islam, 2020(3), 192-200.
44. Rasulova, N. T. (2020). Ўзбек оилаларида репродуктив фаолиятнинг тарихий илдизлари. Молодой ученый, (8), 343-345.
45. Rustamovich A.M. (2016) The moral consciousness dynamics of students is the position in the process of high education //European journal of education and applied psychology. – 2016. – №. 1.
46. Антонова А.И. (2005) Социология семьи: Учебник / Под ред. проф. А.И. Антонова. - М.: ИНФРА-М, 2005 – С. 220.
47. Umarov, B.M., & Nazarov, A.S. (2021) SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS AND MECHANISMS AFFECTING MANAGEMENT DECISION-MAKING IN THE ACTIVITIES OF THE HEAD. Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск № 29 (том 1)(октябрь, 2021). Дата выхода в свет: 31.10. 2021., 91.
48. Ғозиев Э.Ғ. (2015) Ижтимоий психология.- Т. 2015. - 106 б.
49. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (2018) «Қуръони Карим» ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси / Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: «HILOL NASHR» нашриёт, 2018. – 628 б.

REFERENCES

50. Abdurauf Fitrat (2000) Oila. – T.: «Ma'naviyat», 2000. – 112 b.
51. Abdurauf Fitrat (1998) Oila yoki oila boshqarish tartiblari. – T.: «Ma'naviyat», 1998. – 8 b.
52. Abdurahmonov F., Abdurahmonova Z. (2011) Din psixologiyasi. – Toshkent: O'zRFA Falsafa va huquq instituti, 2011. - B.36.
53. Abu Nasr Farobiy (1993) Fozil odamlar shahri. – T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993. – 224 b.
54. Adams, Gary A.; King, Lynda A.; King, Daniel W. (1996) Relationships of job and family involvement, family social support, and work–family conflict with job and life satisfaction. Source: Journal of Applied Psychology 81.4 (Aug 1996) 411-420. Impact factor: 3.8.

55. Akramova F.A. (2014) Oilada sog'lom psixologik muhitni tarkib toptirishning ijtimoiy-psixologik asoslari. - T.: «Shams ASA», 2014. - 185 b.
56. Akramova F.A. (2014) Yoshlarni oilaga tayyorlashning asosiy omillari va ularning psixologik xususiyatlari // Zamonaviy ta'lim. 2015, 10. B. 45-52.
57. Akramova F.A. (2006) Oilada muomalani tashkil etish psixologiyasi. - T.: «Shams ASA», 2006. - 90 b.
58. Akramov M.R. (2014) Psixologo-pedagogicheskiye osobennosti ekologicheskogo obrazovaniya //The Way of Science. – 2014. – S. 78.
59. Akramov M.R. (2021) et al. Shaxs kasbiy yo'nalganligi rivojlanishida mas'uliyatlilikning ahamiyati //Molodoy uchenыy. – 2021. – №. 11. – S. 259-261.
60. Akramov M.R. (2021) Konflikt i yego sotsialьno-psixologicheskiye svoystva //Molodoy uchenыy. – 2021. – №. 6. – S. 293-295.
61. Akramov M.R. (2020) EKOLOGIChESKOE SOZNANIE KAK PREDMET PSIXOLOGIChESKOGO ISSLEDOVANIYa // Nauchnaya platforma: diskussiya i polemika. – 2020. – S. 30-32.
62. Arkamov M.R. (2016) THE ETHICAL AWARENESS BEHAVIOR OF STUDENTS DURING HIGHER EDUCATION (IN THE CONDITION OF UZBEKISTAN) //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2016. – T. 4. – №. 10.
63. Akramov M.R. (2013) PROBLEMЫ IZUChENIYa PSIXOLOGIChESKIX OSOBENNOSTEY RAZVITIYa EKOLOGIChESKOGO SOZNANIYa PO VA YaSVINU //SCIENCE AND WORLD. – 2013. – S. 117.
64. Allport G. (1998) The Person in psychology. Boston: Beacon, 1968, pp. 376-409. (Ruse d.: Olport Gordon V. Lichnost' v psikhologii. Moscow, "KSP+" Publ., St.Petersburg "Iuventa" Publ., 1998. 375 p.)
65. Batool S., Khalid R. (2009) Role of Emotional Intelligence in Marital Relationship. Pakistan Journal of Psychological Research, 2009, P.51.
66. Ganiyeva, G. V. K. (2020). PSIXOLOGIChESKIE ASPEKTЫ DIAGNOSTIKI KOMPETENTSII MAGISTRA. International scientific review, (LXXIV), 58-60.
67. Davila J. (2000) Marriage // Encyclopedia of Stress In 3 vol. / Ed. By G. Fink Vol.2. SanDiego: Acad. Press, 2000.
68. Dusmuxamedova Sh.A. (1987) Psixologicheskiye osobennosti pedagogicheskoy otsenki v obuchenii detey shestiletnego vozrasta: Avtoref. dis.… kand. psixol. nauk. M., 1987. 24 s : dis. – –M.: NII APN SSSR, 1988.–162 s, 1987.
69. Dusmuxamedova Sh., Saliyeva D., Maksimova L.A. (2020) Sootnosheniye urovnya razvitiya akademicheskoy samostoyatelьnosti mladshix shkolьnikov s pokazatelyami uchebnoy motivatsii i stilem pedagogicheskoy deyatelьnosti (na primere uchaщixsya nachalьnыx shkol Uzbekistana) // Pedagogicheskoye obrazovaniye v Rossii. – 2020. – №. 2. – S. 77-83.
70. Dusmuxamedova Sh.A. (2021) PSIXOLOGIChESKOE ZNAChENIE PEDAGOGIChESKOY OTSENKI V RAZVITII LIChNOSTI DETEY DOShKOLЬNOGO VOZRASTA //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – T. 1. – №. Special Issue 2. – S. 355-361.
71. Fitness J. (2001) Emotional intelligence and intimate relationships. In J.V.Ciarrochi, J.P.Forgas & J.D.Mayer. Emotional intelligence and everyday life. NY: Psychological Press, 2001, P.106.
72. Huygen F.J., Smits A.J. (1983) Family Relations, Coping Styles, Stress, and Cardiovascular Disease Risk Factors Among Children and Their Parents. Source: Family Systems Medicine 1.1 (Spr 1983): 23-32.Impact Factor: 2.6.
73. Isayeva, M. (2020). Oilaviy munosabatlar psixodiagnostikasi. Internauka, (23-3), 63-66.
74. Karimova V.M. (1993) Ijtimoiy tasavvurlarning shakllanishida er-xotin o'zaro munosabatlarining roli. O'zbek oilasining etnopsixologik muammolari. Resp. ilm. amal. anj. ma'ruz. kiskacha bayoni. - T., 1993. –B.44-45.
75. Karimova V.M. (1994) O'zbek yoshlarida oila to'g'risidagi ijtimoiy tasavvurlar shakllanishi: Psixol. fanl. dokt. … diss. Farg'ona, 1994. -322 b.
76. Karimova V.M. (2006) Oilaviy hayot psixologiyasi. O'quv qo'llanma. –T., 2006. -142 b.
77. Karimova V.M. (2008) Oila psixologiyasi. Darslik. Pedagogika oliygohlari talabalari uchun. –T: "Fan va texnologiya", 2008. – 170 b.
78. Khamidovna, K.Z., Rustamovich, A.M., Anorbaevna, G.N., & Tulkunovna, R.N. (2021). Psychological Aspects Of The Development Of Ecological Ideas Among Students. Psychology and Education Journal, 58(2), 7812-7818.

79. Melьnikova N.A. (2008) Sotsialьnaya psixologiya: konspekt lektsiy. – M.: 2008. – 160 s.
80. Mengboevich, U. B., & Sottarovich, N. A. (2021). SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE LEADER IN THE IMPLEMENTATION OF MANAGEMENT DECISIONS. Science Time, (10 (94)), 31-35.
81. Muhiddin S. (1999) Oila va shar'iy nikoh odoblari. – T.: «Movarounnahr», 1999. – 80 b.
82. Muxiddinova U., Muxiddinova F. (2021) Bolaning psixik rivojlanishida til o'rganishning ahamiyati // "Bola shaxsida salbiy o'zgarishlarni keltirib chiqaruvchi tashqi ta'sirlarning psixoloik-pedagogik asoslari" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi. – Toshkent, 03.04.2021. B.467-469
83. Mukhiddinova U.A. (2021) Aspects of Psychological and Willing Training of Athletes // "SOCIOCULTURAL AND PSYCHOLOGICAL COORDINATES OF PERSONALITY FORMATION" III International Scientific and Practical Conference. Kherson State University, 2021. P.14-17.
84. Mukhiddinova U.A., Zotova E.A. (2021) Factors of decreasing the performance of the competitive activity of athletes // ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) / ISSN: 2249-7137. Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492 // DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00366.9. https://saarj.com Vol. 11, Issue 2, February 2021.
85. Mukhiddinova U.A., Zotova E.A. (2021) Relationship of functional asymmetry with individual psychological features of the personality // The Way of Science International scientific journal, № 4 (86), 2021. ISSN 2311-2158. Impact factor of the journal «The Way of Science» – 0.543 (Global Impact Factor, Australia). P.85-89
86. Myasiщev V.N. (2010) Psixologiya otnosheniy / V.N. Myasiщev. - M.: Institut prakticheskoy psixologii, 2010. - 356 s.
87. Nazarov, A. S., & Mitina, O. V. (2020). PSIXOLOGIChESKIE OSNOVЫ PRINYaTIYa UPRAVLENChESKIX REShENIY. Nauka i mir, (12-1), 73-75.
88. Nazarov, A. S. (2020). Psixologicheskiy analiz urovney prinyatiya upravlencheskix resheniy i faktorov, vliyayuщix na nego. Molodoy uchenыy, (21), 739-740.
89. Nazarov, A. S. (2021). RAHBAR FAOLIYATIDA BOSHQARUV QARORLARINI QABUL QILISH TAMOYILLARINI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSUSIYATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(Special Issue 2), 342-348.
90. Rasulova Z.A. (2018) O'zbeklarda oila-nikoh an'analarining ijtimoiy va etnik psixologiyasi // Psixol.fan.dok.disser. avtoreferati. – T. 2018.
91. Rasuleva, N. T. (2018). PSIXOLOGIYa ISLAMSKOY LIChNOSTI. In XLIII INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION" (pp. 123-124).
92. Rasulova, N., & Ulmasova, D. (2020). THE IMPORTANCE OF FOLLOWING THE PROFESSIONAL AND ETHICAL PRINCIPLES OF THE PSYCHOLOGIST IN THE PROVISION OF PSYCHOLOGICAL SERVICES. The Light of Islam, 2020(3), 192-200.
93. Rasulova, N. T. (2020). O'zbek oilalarida reproduktiv faoliyatning tarixiy ildizlari. Molodoy uchenыy, (8), 343-345.
94. Rustamovich A.M. (2016) The moral consciousness dynamics of students is the position in the process of high education //European journal of education and applied psychology. – 2016. – №. 1.
95. Antonova A.I. (2005) Sotsiologiya semьi: Uchebnik / Pod red. prof. A.I. Antonova. - M.: INFRA-M, 2005 – S. 220.
96. Umarov, B.M., & Nazarov, A.S. (2021) SOCIO-PSYCHOLOGICAL ASPECTS AND MECHANISMS AFFECTING MANAGEMENT DECISION-MAKING IN THE ACTIVITIES OF THE HEAD. Mejdunarodnыy nauchno-prakticheskiy elektronnыy jurnal «MOYa PROFESSIONALЬNAYa KARЬERA». Vыpusk № 29 (tom 1)(oktyabrь, 2021). Data vыxoda v svet: 31.10. 2021., 91.
97. G'oziyev E.G'. (2015) Ijtimoiy psixologiya.- T. 2015. - 106 b.
98. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf (2018) «Qur'oni Karim» va o'zbek tilidagi ma'nolari tarjimasi / Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. – Toshkent: «HILOL NASHR» nashriyot, 2018. – 628 b.